

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЎЗИНИ-ЎЗИ ЎЛДИРИШ ДАРАЖАСИГА ЕТКАЗИШ ҲОЛАТЛАРИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ.

Эгамбердиев Воҳиджон Отабекович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси катта ўқитувчиси, майор
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10926710>

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада ички ишлар органларининг ўзини-ўзи ўлдириш даражасига етказиш ҳолатларининг профилактикаси фаолиятини ташкил этишда давлат органлари билан ҳамкорлиги масалалари ёритилган. Шу билан бирга, ўзини-ўзи ўлдириш даражасига етказиш ҳолатларини келтириб чиқарувчи омиллар ҳамда ушбу омилларни бартараф этиш чораларига бағишланган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: ички ишлар органлари, ўзини-ўзи ўлдириш, ўзини-ўзи ўлдириш даражасига етказиш, профилактика, давлат органлари, ҳамкорлик, департамент.

АННОТАЦИЯ. В данной статье освещаются вопросы взаимодействия органов внутренних дел с государственными органами в организации деятельности по профилактике случаев доведения до самоубийства. А также, посвящен факторам, провоцирующих случаи доведения до самоубийства, и о мерах по устранению этих факторов.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: органы внутренних дел, самоубийства, доведение до самоубийства, профилактика, государственные органы, сотрудничество, департамент

ANNOTATION. This article highlights the issues of interaction of internal affairs bodies with state bodies in the organization of activities for the prevention of cases of suicide. It is also devoted to the factors that provoke cases of suicide, and measures to eliminate these factors.

KEYWORDS: internal affairs agencies, suicides, suicide, prevention, government agencies, cooperation, department

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қўйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар




қилинди. Жумладан, ички ишлар органлари самарали фаолият олиб бориши учун бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар имзолади. Бунинг яққол мисоли сифатида 2016 йил 16 сентябрда Ўзбекистон Республикаси “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни[1] қабул қилинди.

Мазкур қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг фаолиятини тартибга солишдан иборат бўлиб, унда қонунийлик, ягоналик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда мазкур ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш, очиқлик ва шаффофлик ички ишлар органлари фаолиятининг асосий принциплари эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Шу билан бир қаторда қонунда ички ишлар органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкни, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини таъминлашдан иборат эканлиги белгилаб берилди.

Қонуннинг аҳамиятли жиҳатларидан яна бири шундаки, унда ички ишлар органларининг асосий вазифалари, фаолият йўналишлари ва принциплари талабларидан келиб чиққан ҳолда ички ишлар органлари томонидан айрим мажбурлов чоралари, шунингдек унинг ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллашнинг асослари ва тартиби ҳамда ходимларга нисбатан қўйиладиган талаб ва шартлар аниқ белгилаб берилган.

Ички ишлар органлари тизимидаги амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон Фармони[2], 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3413-сон Қарори[3] асосида ички ишлар органлари фаолиятида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.



Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармонир[4] ва мазкур Фармонга мувофиқ, 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон[5] ҳамда 2021 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сон Қарор[6] лари қабул қилинди.


Давлат раҳбари томонидан қабул қилинган мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ички ишлар органларининг фаолиятини такомиллаштириш, уни тартибга солиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш каби бир қатор вазифалар белгиланган. Жумладан, Президентимизнинг ПФ-6196-сон Фармонида ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари белгилаб берилган бўлиб, унда вазирликнинг бир қатор бошқармалари негизида департаментлар ташкил этилди. Унга мувофиқ:

– Жиноят қидирув бош бошқармаси, Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси, Тезкор-қидирув ҳамкорлиги бошқармасини ўз ичига оладиган **Тезкор-қидирув департаменти;**

– Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, Пробация хизматини ўз ичига оладиган **Жамоат хавфсизлиги департаменти;**

– Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси, Хавфсиз туризмни таъминлашни мувофиқлаштириш бошқармасини ўз ичига оладиган **Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти;**

– Кадрлар бош бошқармаси, Маънавий-маърифий ишлар бошқармаси, касбий тайёргарлик бошқармасини ўз ичига оладиган **Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти;**



– Жазони ижро этиш бош бошқармаси негизда Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги **Жазони ижро этиш департаментлари** ташкил этилди.

Албатта амалга оширилган ислохотлар негизда мазкур департаментларнинг ташкил этилиши ички ишлар органлари қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши асосий мезон сифатида эътироф этилиши билан белгиланади.

Фикримизча, қонун устуворлиги халқ ҳокимияти ва инсон ҳуқуқлари тушунчалари билан бевосита боғлиқ принципдир. Чунки халқ ҳокимияти деганда фуқароларнинг қарорлар қабул қилиш жараёнида бевосита ёки билвосита иштирок этиш ҳуқуқи тушунилади. Шу маънода халқ иродасининг ифодаси бўлган, фуқароларнинг парламентга сайлаб қўйган вакиллари орқали ёки ўзлари томонидан бевосита референдум орқали қабул қилинган қонунлар халқ ҳокимиятчилигининг натижаси, мажозий қилиб айтганда, меваси ҳисобланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонунлар воситасида ҳаётга жорий этилади, аслида қонунларнинг пировард мақсади ҳам инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Қонун устуворлиги қўйидаги учала ҳолат бўлгандагина, ўзининг тўлиқ ифодасини топади.

Биринчидан, қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳужжатлар адолатга, инсон ҳуқуқи ва манфаатларига асосланган бўлиши шарт.

Иккинчидан, Конституция, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар барча давлат органлари, мансабдор шахслар, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар томонидан аниқ бажарилиши зарур.

Учинчидан, барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция ва қонунларга мос бўлиши - қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий механизмларини ташкил этади. Демократик жамиятнинг муҳим тамойили бўлган қонун устуворлиги мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамияти қуришнинг асосидир. Албатта, демократик жамият қуриш фақат қонун устуворлиги билан чекланиб қолмайди, балки халқимизнинг миллий-маънавий негизларига таянишни тақозо этади ва зарурий шарти қилиб қўяди.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини



сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қўйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Ўзбекистон Республикасида олий қадрият деб тан олинган инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари таъминланишини янада мустаҳкам кафолатлаш, уларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқариш борасида фуқаролик жамияти институтларининг ҳам ўрни беқиёс.

Мустақиллик, Конституция, фуқаролик жамияти ва демократия тушунчалари ўртасидаги узвий алоқадорлик муҳим аҳамиятга эга. Зеро, мустақил мамлакатни демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти институтларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис юртимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ демократик янгиланиш, эркин фуқаролик жамиятини қуриш йўли танлаб олинди. Бинобарин, бу йўлни ҳар ким ўзига хос йўсинда босиб ўтади. Ўзбекистон демократиянинг фундаментал тамойилларига асосланган, уларга қатъий риоя этган ҳолда, айти пайтда ўз ҳаракатларини ҳалқимизнинг тафаккури, неча минг йиллик турмуш тарзи билан мувофиқ равишда олиб бормоқда.

Жиноятлар профилактикаси ёки жиноятларнинг олдини олиш – давлат органлари (шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари), жамоат бирлашмалари, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларнинг жиноятлар содир этилишига имконият яратувчи шарт-шароит ва сабабларни нейтраллаштириш ёки уларга барҳам беришга қаратилган, ўз мазмунига кўра ҳар хил чора-тадбирларни (таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини) қамраб олувчи, объектив ташқи омилларга ва муайян жисмоний шахсларга йўналтирилган фаолиятидир.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ва ўзини ўзи ўлдиришга ундаганлик жиноятнинг олдини олиш ва унинг профилактикаси масалаларига тўхталиб ўтарканмиз, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий, салбий ҳодисаларга нисбатан қўлланилган “жиноятчиликнинг олдини олиш”, “профилактика қилиш”, “огоҳлантириш”, “тўхтатиш”, “барҳам бериш” каби атамалар нафақат махсус адабиётларда, балки ҳар хил норматив ҳужжатларда, шунингдек вақтли матбуотда ҳам кўп учрайди.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ва ўзини ўзи ўлдиришга ундаганлик жиноятларнинг умумий профилактикасининг мақсади,



хуқукбузарликлар профилактикасига кенг жамоатчиликни жалб этиш, ушбу жиноятлар профилактикасига доир қонунчиликни такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятни содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ҳисобини юритиш, таҳлил килиш ва бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, кам куч ва вақт сарфлаб аҳолига профилактик таъсир кўрсатган ҳолда уларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини шакллантириш ва ушбу жиноятлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги ҳиссини уйғотиш, шунингдек фуқароларни суициднинг ижтимоий хавфи ҳақида огоҳ этиш ҳамда улардан ҳимояланишнинг усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш орқали уларнинг жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришдан иборатдир.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ва ўзини ўзи ўлдиришга ундаганлик жиноятларининг профилактикаси объектлари ҳақида сўз юритилганида шунини таъкидлаш ўринлики, айти пайтда ушбу объектлар нималардан иборат эканлиги бўйича аниқ назарий-ҳуқуқий ёндашувнинг мавжуд эмаслиги кузатилади.

Ҳозирги вақтда адабиётларда ҳам, ижтимоий субъектларнинг амалий фаолиятида ҳам профилактиканинг икки тури: **умумий ва индивидуал** профилактика кенг тарқалган.

Умумий профилактика фаолияти давлат ва жамоат ташкилотларининг жиноятчилик сабабларини, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ва ўзини ўзи ўлдиришга ундаганлик жиноятларига имконият яратувчи шарт-шароитларини, шунингдек, жиноий натижага эришишни енгиллаштирувчи ҳолатларни аниқлаш, ўрганиш ва бартараф этиш фаолиятини ўз ичига олади.

Шундай қилиб, умумий профилактика чора-тадбирларига ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-маданий, мафкуравий, ташкилий, ҳуқуқий, техникавий ва бошқа чора-тадбирлар киради.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ва ўзини ўзи ўлдиришга ундаганлик жиноятлар умумий профилактикасининг юқорида келтирилган йўналишлар бўйича ташкил этилиши ва амалга оширилиши ўз навбатида, режалаштириладиган умумий профилактик тадбирдан кўзланадиган мақсад, вазифалар ҳамда объектларни аниқ белгилаш, куч ва воситаларни тўғри ва манзилли йўналтириш, профилактик тадбирларнинг таъсирчанлигини ошириш ҳамда кутилган натижага



эришишга катта хизмат қилади.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ва ўзини ўзи ўлдиришга ундаганлик жиноятларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирларидан бири – суицидни олдини олишга доир давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ишлаб чиқилишининг республика, вилоят, шаҳар, туман, маҳалла доирасида амалга оширилиши ҳамда дастурларда бир неча йўналишларда вазифаларнинг белгилаб олиниши умумий профилактикага комплекс ёндашувни ўзида ифодалайди.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ва ўзини ўзи ўлдиришга ундаганлик жиноятларнинг махсус профилактикаси республикада, минтақада ёки шаҳар-туман миқёсида ёхуд алоҳида кичик ҳудуд ва объектда ушбу жиноятларнинг профилактикаси, уларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниклаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатиш мақсадида амалга оширилади.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ва ўзини ўзи ўлдиришга ундаганлик жиноятлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар ушбу жиноятларнинг махсус профилактикасини амалга ошириш учун асосий фаолият йўналишлари бўйича ва “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонун талаби ва уларга берилган ваколатлар доирасида ушбу жиноятларнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниклаш, бартараф этиш ҳамда айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олган махсус режалар ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади.

Махсус режаларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш тартиби ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ва ўзини ўзи ўлдиришга ундаганлик жиноятларининг махсус профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасаларнинг юқори турувчи органи томонидан белгиланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрь “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон Қонуни / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 38 (746)-сон, 2016 йил 26 сентябрь.
2. Эгамбердиев В. О. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларга ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш бўйича вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик фаолияти //O'zbekistonda



fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2023. – T. 2. – №. 23. – С. 327-333.

3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 15-сон, 243-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.06.2018 й., 06/18/5456/1316-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон.

4. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий профилактика объекти сифатида алкоголизм таъсиридаги шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш //So 'ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. – 2023. – Т. 6. – №. 12. – С. 552-558.

5. Қаранг: Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.11.2017 й., 07/17/3413/0334-сон; 01.06.2018 й., 06/18/5454/1290-сон, 24.08.2018 й., 07/18/3919/1787-сон, 02.11.2018 й., 06/18/5566/2153-сон; 07.03.2019 й., 07/19/4229/2710-сон, 30.05.2019 й., 07/19/4343/3206-сон, 14.12.2019 й., 06/19/5894/4161-сон; 23.04.2020 й., 06/20/5983/0490-сон; 09.10.2020 й., 07/20/4857/1357-сон; 27.01.2021 й., 06/21/6146/0065-сон; 24.02.2021 й., 06/21/6176/0156-сон, 02.04.2021 й., 07/21/5050/0280-сон, 15.04.2021 й., 07/21/5076/0347-сон, 20.05.2021 й., 06/21/6230/0473-сон

6. Қаранг: Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон.

7. Таштемиров А. А. и др. Ҳуқуқбузарлик содир этилишининг сабблари ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари //So'ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. –2023. –Т. 6. –No. 12. –С. 454-461.


8. Қаранг: Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.04.2021 й., 07/21/5050/0280-сон.

9. Қаранг: Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.04.2021 й., 07/21/5076/0347-сон.

10. Эгамбердиев В. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш ишларини ташкил қилишнинг ўзига хос жиҳатлари ва хориж тажрибаси //Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 3. – С. 195-205.

11. Кушбаков, Дилшод Мусурманкулович. "Ўзбекистонда аҳолини рўйхатга олиш тартиби ва ўзига хос хусусиятлари." Journal of new century innovations 23.1 (2023): 46-51.

12. "Жинойятнинг махсус субъекти ва унинг жиноий жавобгарлигига доир ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш масалалари" Journal of innovations





DEVELOPMENT OF PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN MODERN SCIENCES

International scientific-online conference



in scientific and educational research volume-2, issue-13 26.12.2022 йил 332-342-б.

